


А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2025 йил август ойининг 20 куни, Жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди, суд биносида ва Нишон туман “Байналминал” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида, шу суднинг раиси А.Қаҳҳаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Т.Амировнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси Нишон тумани прокурорининг катта ёрдамчиси А.Чўллийев, фуқаровий даъвогар ХХХ, жабрланувчи ХХХ, вояга етмаган жабрланувчилар ХХХ ва ХХХларнинг қонуний вакили ХХХ, вояга етмаган жабрланувчи ХХХнинг қонуний вакили ХХХлар, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Рузиқуловнинг иштирокида,



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид 1-1813-2501/91-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тергов органи ҳужжатларига кўра, ХХХ ўғли 2025 йил 4 июнь куни соат 9:40ларда, бошқарувида бўлган “Кобальт” русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашинани Нишон тумани, “Ойдин” маҳалласи ҳудудидан ўтган “D-152 Қарши-Нишон-Туркменистон чегараси” йўналиши томонга бошқариб бориб, ушбу йўлнинг 19 км.га келганида “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг “Қувиб ўтишни бошлашдан олдин, ҳайдовчи чапга бурилишни билдирувчи ишорасини ёқиб, ўзи ўтмоқчи бўлган ҳаракатланиш тасмаси қувиб ўтиш учун етарлича масофада бўш эканлигига, қувиб ўтиш жараёнида ҳаркатланишга хавф туғдирмаслигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслиги” кўрсатилган 82-банди, “Бир йўналишда ҳаракатланаётган рельсиз транспорт воситаларини ҳар икки томондан ўзиб кетишга рухсат берилади. Бироқ чапга бурилиш ишорасини бериб, бурилишга киришган транспорт воситасини ўзиб кетиш ўнг томондан амалга оширилади” деб кўрсатилган 83-банди, “Қувиб ёки айланиб ўтаётган транспорт воситаларини қувиб ўтиш тақиқланади” деб кўрсатилган 86-банди талабларига риоя қилмасдан, транспорт воситасини ўз-ўзига ишониниш ва бепарволик билан бошқариши оқибатида, ўзи билан бир йўналишда ҳаракатланиб бораётган ХХХга тегишли бўлган [REDACTED]нинг бошқарувидаги “Кобальт” русумли ХХХ давлат рақамли автомашинани йўлнинг ўнг томон обочина қисмидан қувиб ўтмоқчи бўлиб, автомашина бошқарувини йўқотиб, ХХХ давлат рақамли “Кобальт” русумли автомашина



билан тўқнашиб кетиши натижасида ХХХ давлат рақамли “Кобальт” русумли автомашина йўлнинг чап томон қисмидаги пастликка тушиб кетиб, йўл-транспорти ҳодисаси содир қилиб, ХХХ давлат рақамли “Кобальт” русумли автомашинада йўловчи сифатида кетаётган вояга етмаган [REDACTED]

[REDACTED] ва [REDACTED] лар оғир, [REDACTED] лар ўртача оғир тан жароҳати олишига ҳамда ХХХга тегишли автомашинага 48.349.570 сўм моддий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар ХХХ, жабрланувчи ХХХ, вояга етмаган жабрланувчилар ХХХ ва ХХХларнинг қонуний вакили ХХХ, вояга етмаган жабрланувчи ХХХнинг қонуний вакили ХХХ ҳамда судланувчи ХХХлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашди.

Судланувчи ХХХ судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар ХХХ судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи ХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи ҳамда вояга етмаган жабрланувчилар ХХХ ва ХХХларнинг қонуний вакили ХХХ судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи ХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Вояга етмаган жабрланувчи ХХХнинг қонуний вакили ХХХ судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи ХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса, етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, фуқаровий даъвогар ХХХ, жабрланувчи ҳамда вояга етмаган жабрланувчилар ХХХ ва ХХХларнинг қонуний вакили ХХХ, вояга етмаган



жабрланувчи ХХХнинг қонуний вакили ХХХлар ҳамда судланувчи ХХХларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, Нишон тумани прокурорининг катта ёрдамчиси А.Чўллийев ва ҳимоячи С.Рузиқуловларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи ХХХ айбига тўлиқ иқдор ва қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарларни тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчилар ва уларнинг қонуний вакиллари, фуқаровий даъвогарга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув жабрланувчилар ва уларнинг қонуний вакиллари, фуқаровий даъвогар ҳамда судланувчининг ўз хоҳишлари билан бўлаётганини, муқаддам судланмаганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, ХХХга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд, фуқаровий даъвогар ХХХ, жабрланувчи ҳамда вояга етмаган жабрланувчилар ХХХ ва ХХХларнинг қонуний вакили ХХХ, вояга етмаган жабрланувчи ХХХнинг қонуний вакили ХХХларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи ХХХ ўғлига нисбатан бўлган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

ХХХга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Фуқаровий даъвогар ХХХ, жабрланувчи ҳамда вояга етмаган жабрланувчилар ХХХ ва ХХХларнинг қонуний вакили ХХХ, вояга етмаган жабрланувчи ХХХнинг қонуний вакили ХХХларга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги қайд қилинсин.

Фуқаровий даъвогар ХХХ, жабрланувчи ҳамда вояга етмаган жабрланувчилар ХХХ ва ХХХларнинг қонуний вакили ХХХ, вояга етмаган жабрланувчи ХХХнинг қонуний вакили ХХХларга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи, фуқаровий даъвогар, жабрланувчилар ва жабрланувчиларнинг қонуний вакиллар ажрим нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.



Раислик қилувчи:

А.Қаҳҳаров

Ҳужжат имзоланган: Қаҳҳаров Алишер Аралович, 21.08.2025



1-1813-2501/91